Махсус текширув усулларида УТТ, гистеросалпингография, гистероскопия, экскретор урография, магнитно-резонс-томография қўлланилади [1,10].

Диагностик ва оператив лапаратомия зарур ҳолларда қўлланилади.

Ректоабдоминал текширув оғриқ синдромли беморларга кичик чанокда ҳосилалар ўзгаришларнинг аниқланиши, дифференциал диагностика учун жуда муҳим [24,35,47].

МРТ ёрдамида қин аплазиясининг бошқа ривожланиш нуқсонлари билан биргаликда (сийдик ажратиш системаси, умуртқа нуқсони) келган нуқсонларида ва эндометрийнинг минимал миқдорини аниқлашда қўлланилади [46,55].

Ҳозирда операциядан кейин чандиқли ўзгаришларга қарши барьерларга қўйиладиган таълаблар [12,35,44]:



- Хавфсиз бўлиши керак.
- Яллиғланиш, иммун реакциялар чақирмаслиги керак.
- Чокларсиз қўйилган жойда туриши керак.
- Биологик суёқликларда ҳам активлиги йўқолмаслиги керак.
- Тўлиқ сўрилиши керак.
- Битиш жараёнларида таъсир қилмаслик керак.
- Зарарланган тўқима орасида қисқа муддатли тўсиқ бўлиб туриши керак.
- Юзаки тўқималарнинг битишида зарарли таъсир кўрсатмаслиги керак.

Тухумдонларнинг гормонал функциясини ўрганилганда қин ва бачадон аплазияси бўлган беморларда гормонал текширув соғлом тенгдошларникидан сезиларли фарқ қилмаслиги аниқланган [13,38].

Бу беморларда эндометрий қавати гистологик текширувда актив эндометриал безлар аниқланади [55].

Қин аплазиясида рентгенологик текширув усули қинга ва тўғри ичакка сагитал проэкцияда контраст модда юборилиб баҳо берилади [12,68].

Бошқа тегишли лаборатория текширув методларига ФСГ, ЛГ, андроген ва эстрадиол киради. МРКХ синдромида одатда нормал чегарада бўлади. МРКХ синдромида бачадон агенези/аплазияси иккита фенотипик ўзгаришларга бўлинади. Иккита апластик бачадон куртаклари мураккаб ёнбош мураккаб каналчалардан бўлинган ёки бир ёки иккаласининг тўлиқ йўқлиги аниқланади. Бачадоннинг мавжудлиги беморларнинг 48-95% ида қолдиқлар сифатида аниқланади.

Буйрак текшируви (МРТ ёрдамида) буйрак ривожланиш нуқсонлари беморларнинг тахминан 30% ида учрайди.

Тухумдоннинг ривожланиш нуқсонлари деярли аниқланмай камдан-кам холларда 5-10% учрайди.

МРКХ синдромидаги миллатлараро фенотипик ўзгаришлар европалик беморларда кўп учрайди. Юракнинг ривожланиш нуқсонлари < 5% да қайд этилиб беморларда масалан, ўпка клапани стенози, қоринчалараро тўсиқ нуқсони учрайди. Эшитиш қобилиятининг бузилиши, шу жумладан

сенсориневрал ва ўтказувчан эшитиш қобилиятини йўқолиши (масалан, ташқи кулоқ атрезияси, стапедиал анкилоз одатда < 5% холларда аниқланади.

Бошқа бир қатор ташхислар МРКХ синдроми билан ўхшашликларни кўрсатади. Қин агенезияси вақти-вақти билан нотўғри талқин қилинади Тўсиқли қизлик пардаси ёки кўндаланг қин тўсиғи бўлган беморлар билан қиёсий таққослаш керак.

Аёлларда агенезия клиник вирилизация ва гиперандрогемиа билан боғлиқ. Бу ўз навбатида ВНТ4 генининг мутацияларидан келиб чиқади (ОМИМ #158330 гени мутациялари натижасида).

Ташхис кўпинча ўспиринлик даврида амалга оширилади; жисмоний / ҳиссий ривожланиш даври, бу қариндошларининг хабардорлигини ва қўллаб қувватлашини янада кучайтиради.

Кўп беморлар ҳақида гапирганда қийинчиликларга дуч келиш мумкин. МРКХ синдроми билан касалланган беморларга боғлиқ ҳис-туйғулар ва ҳиссиётларини тушуниш керак. Шунинг учун беморларни ишончни қозонишга ундаш керак ким биландир яқин кишиси (ота-онаси, шериги, дўсти) билан фикрларни бўлишиш мумкин. Фикр алмашиш ва бошқа беморлар билан ҳис-туйғулар қимматли ва бошқа беморлар билан ишлаганда ёрдамчи бўлиши мумкин [10].

Энг кенг тарқалган ноинвазив усул ўз-ўзини кенгайтиришдир (шунингдек Frank усули деб аталади). Ушбу усулда прогрессив дилататор қўлда қинга жойлаштирилади. Бу амалиёт кунига 3 мартагача 10-30 минут давомида амалга оширилади.

Яна бир инвазив бўлмаган кенгайтириш усули-бу жинсий алоқа орқали кенгайтиришдир (дъалбертон усули).

Бемор билан турли хил даволаш усуллари тавсия қилиш, тушунтириш керакки функционал қинни хусусиятларига кўра жарроҳлик имкониятлари талаб қилинади. Операциядан кейинги кенгайтириш давом эттириш, мунтазам алоқада бўлиш ёки қин дилататорларидан фойдаланиш талаб қилинади [9].

Дилатация терапияси фақат мутахассис кўрсатмасига кўра амалга оширилиб, жарроҳликдан олдин ва жарроҳликдан кейинги кенгайишни талаб қилиши мумкин. Биринчи танлов сифатида дилатация терапияси қандиқли ўзгаришларда яхши натижа беради.

КТ- кичик чанок азоларини ўзаро жойлашиши ва мутаносиблигини аниқлаш учун қилинади.

Хозирги даврда жинсий азолар аномалиясида МРТ текшируви ноинвазив усул хисобланиб, дифференциал диагностика критерияларида жуда муҳим аҳамиятга эга [27,38].

МРТ изолирланган аномалия аниқ диагностика қилишда сезиларли чандиқли жараёнларда сийдик ажратиш системаси билан аралаш нуқсонларда хатто болалик даврда ҳам аниқланиши мумкин .

МРТ ўтказишга асосий кўрсатмалар [22,37,55,69]:

-ривожланиш нуқсонлари турларини диагностик аниқлаш, стандарт инструментал текшириш усуллари ва доплерографиядан кейин ўтказилади.

-УТТ, ГС, ЛС, олинган маълумотлар етарли клиник кўринишга эга бўлмаганида.

-оргинларнинг нормал синтопиясида ёки беморларда аниқланган чандиқли ўзгаришлар бўлганда қилинади.

-бошқа системалар ривожланиш аномалиялари биргаликда келганда.

Нисбий қарши кўрсатмалар:

-харакатсиз ҳолат сақланишига толерантлиги кам бўлганда ёки магнит майдондан кўрққанда (клаустрофобия).

-оғир ҳолатларда бемор учун яшовчанлигини сақлаш мақсадида.

Бу нисбий кўрсатмалар бўлганда анестезиологик манипуляциялар қўлланилиб, магнит майдонга сезгирликни пасайтириш учун қўлланилиши мумкин.

Абсолют қарши кўрсатмалар:

-кучли ферромагнит имплантант ёки трансплантант борлиги (асосан текширув қилинаётган сохада)

-юрракда сунъий бошқарувчи ритм бўлиши ва бошқа органларда турли электрон системанинг бўлиши.

Кичик чаноқ аъзолари МРТ си режали равишда олиб борилиб, ичаклар сақланмалари тозаловчи хукналар ёрдамида тозаланади [66].

МРТ текширувчи менструал циклнинг иккинчи фазасида қилиниб, бу даврда эндометрий қалинлашиб, бачадоннинг анатомик структураси дифференциацияси аниқ сезиларли бўлади. Қиннинг ички структурасини оптимал баҳолаш учун текширишлардан олдин тампон қўйилади. Сийдик қопидаги суюқлик текширишга халақит бермаслиги учун сийдик қопи ўрта ва кичик хажмга эга бўлиши керак. Бачадон тонуси ва ичакларнинг перисталтик ҳаракатлари активлигини пасайтириш учун текширувдан 15-20 минут олдин но-шпа таблеткаси қўлланилади [15,33,57].

МРТ текширувида ҳамма ҳолатларда бачадон ва қиннинг аплазиясида рудиментар бачадон турлари, бачадон найлари ва тухумдонлар нормал структурали ва размерда бўлиб, кичик чаноқ бўшлиғидан юқорида жойлашган бўлиб, бачадоннинг жойлашиши типик ҳисобланмайди. Бачадон сийдик қопидан олдин ёки орқароқ, орқа ичакдан олдинда жойлашган бўлади. Сагитал проэкцияда бачадон йўқлиги аниқланади [13,47].

МРТ текширувида бачадон ва қин аплазияси турларидан сийдик қопига эътибор бериш керак, сийдик қопи атонияси бўлиши мумкин.

МРТ да қуйидаги сканерлаш усуллари қўлланилади: жуфт рудиментар аномалияда аксиал (трансверзал) ва коронар (фронтал) проэкция, сагитал проэкция ёрддамчи ҳисобланиб, лекин рудиментар ёки гипопластик медиал жойлашган бачадонда етарли информатив ҳисобланади [10,58].

МРТ текшируви сагитал проэкцияда информатив бўлиб, бунда бачадон типик жойида нотўғри овоид шаклли бўлиб, унинг размери облитерацияланган қин дўнглиги, бачадон бўшлиғи кенгайишини баҳолаш, ураректал бўшлиқ ва қин аплазияси зонасини аниқлаш мумкин.

МРТ кўпинча менструал реакциянинг чўққисида қилиниб, менструал қоннинг чиқишининг бузулиши аниқ диагноз қўйишига ёрдам беради [12,22].

Бу беморларда тухумдон юқорида жойлашиши билан характерланади, тухумдон чаноқ деворига яхши жойлашади ва яхши фолликуляр аппаратига эга бўлади [76].

Зарарланиш даражасини аниқлаш учун бачадон бўшлиғини коронар реконструкция қилинади. Бу беморларда 92,2 % холларда уретра тешиги типик жойлашиб, 8% уретра дистопияси учрайди. Хамма беморларда 95% холларда қизлик пардаси нормал бўлади.

Бачадон ва қиннинг туғма ривожланиш нуқсони аёллар орасида 1-3% холларда, фертил функция сақланган холда бепуштликнинг энг асосий сабаби хисобланади [23,36,57].

### **1.7. Қин аплазиясини даволаш усуллари.**

Қин аплазиясини даволашнинг жарроҳлик ва жарроҳликсиз усуллари мавжуд. Ҳозирги кунда қўлланилаётган энг кенг тарқалган жарроҳлик усуллари "Франк кенгайтириш усули" ни ўз ичига олади, энг кўп қўлланилаётган жарроҳлик усуллари еса Макиндое, Уилямс, Веккиетти, Давидов ва Болдуин томонидан ишлаб чиқилган [13,45,67].

Даволашнинг хирургик камчилиги асоратини пайдо бўлиши (сийдик қопи ва тўғри ичакни жароҳатланиши) ва даволашнинг самарасизлиги (чандиқли торайиш ва неоқин қисқариши содир бўлади [1,45].

Ҳозирги вақтдаги консерватив усул юқори эффектив бўлиб, қонсиз колпопоз усули ёрдамида сунъий қин яратишдир [32,55,68].

Жинсий ривожланиш аномалиялари туфайли менструал қонни чиқишининг бузилиши натижасида 80% холларда кичик чаноқ аъзоларида чандиқли ўзгаришлар ва эндометриоз кузатилади [25,76].

Психологик тамондан 16-20 ёшларда қин аплазиясини оптимал хирургик коррекция қилиш ёши хисобланиб, бу вақтда аёллар ўзларининг танасидаги ўзгаришларга нисбатан адаптация юқори бўлади [9,15].

Бу усул муолажадан кейин жинсий контактни талаб қилмай кам асоратлар ривожланиши билан характерланади. Агар даво эффекти самарасиз бўлса қиннинг аплазиясини коррекциялашнинг бошқа усуллари қўллаш

мумкин. Вулва тўқима юқори шикастланиш хусусиятига эга бўлиб сунъий қин яратилишда тери зарарланиши ва кичик жинсий лабларда орқа чандиқли битишма пайдо бўлиб, унга узоқ вақт қўл билан босиб туриш керак эди. Шерстнев Б.Ф сунъий қин яратишнинг доимий босим остида қинга кириш қисмига колпоэлонгатор ёрдамида амалга оширилади [22,35,47].

Қонсиз комплексли колпопоз эстриол сақловчи кремлар билан биргаликда қўлланилганда вулва тўқималари эластиклиги ошиши клиник эффективлиги юқорилигини кўрсатади [8,15].

Бу усул колпоэлонгация ёрдамида 5 соат интервал остида 20 минут давомида қилинганда вулва тўқимасининг чўзилучанлиги ва эластиклиги ошганлиги коллаген толаларининг юмшаганлиги тўқималар трофикаси яхшиланиши кузатилади [46,58].

Эстрогенларнинг таъсири 2 хил бўлиб, булар геномли ва геномсиздир. Геномли таъсирда трансмембран механизимларининг тезда ривожланиши: ферментларнинг активлашиши, ион каналлини очилиши кузатилади. Бу эса специфик протеинлар транскрипциясига таъсир қилади.

Ногеномли таъсири фибробласт ва хужайрадаги апоптоз жараёнига таъсири киради.

Фибробластларнинг кўп ишлаб чиқарилиши зарарланган сохани кичрайтирилиши билан характерланади [12,35,44,71].

Оператив усуллардан қин атрезияси ёки стенозида беморларга менструал функция сақланган бўлса, тери қийқимидан фойдаланилади [13].

Рокитанский-Кюстер синдроми билан оғриган беморларни даволашда асосий босқичлардан бири колпопоз ҳисобланади. Қин аплазиясини даволаш усулини диққат билан танлаш керак, чунки уларнинг ҳар бири ўзининг афзалликлари ва камчиликларига эга [44,51,62].

Қин аплазиясини даволаш учун неовагина яратиш усули жинсий алоқани таъминлаш учун таклиф қилиниши мумкин. Психологик стресс МРКХС бўлган ёш аёллар учун жуда муҳим [7,68].

Қин нуқсонларида вагинопластика усуллари кўп бўлиб, улар ўзларининг маълум бир етишмовчиликларига эга бўлиб, энг маъқул усули бу қин ўтказувчанлигини таъминлашдир [11,23,56,74].

Турли аномалияларда даво усуллари турлари [34,46]:

-бачадон ва қин аплазиясида сигмондалколпопоз энг тўғри усул ҳисобланади.  
-қин аплазияси функционал бачадон бўлганда такоминлаштиришга сигмоидал колпопоз қўлланилади.

-қиннинг пастки 1/3 қисми аплазиясида вагинопластика қўлланилади.

-ташқи жинсий азолар нотўлиқ жойлашиши ва қин аплозиясида бир моментли жинсий реконструктив феминизациялаш операцияси қилинади.

-бачадон ва қиннинг узунлашиши ва қиннинг биттаси қисман аплазиясида нуқсон коррекцияси қин ораси девори умумий олиб ташлаш усули қўлланилади.

Колпоноз – операция ёрдамида сунъий қин яратиш усули бўлиб, умуман йўқ ёки қисман сақланган қин ўрнида ҳосил қилиниб, функционал бачадондан менустрал қоннинг чиқишига шароит бўлиб, нормал жинсий ҳаёт билан беморлар яшашади [1,9,15,22,65].

Туғма қин аплазияси коррекция қилиш методларининг ва гиноластика сегментар йўғон ёки сигмасимон ичакдан ҳосил қилинади [12,35].

Хирургик даволаш усуллари [1,6,8,13,16,25,33,41,53,60,68]:

1. Ичакдан қин ҳосил қилиш усули: колпопозда ичакнинг маълум бир қисми қўлланилади (ингичка ичак қовузлоғи, сигмасимон ичак кесмаси, кўр ичак). Энг кўп сигмасимон ичак қўлланилади. Операция давомида юқори билимга эга хирург ва ичакни операцияга тайёрлаш керак бўлади. Бу операцияда беморларда асоратлар частотаси ва леталлик фоизи юқори бўлади. Эрта даврларда сигмоидал колпопоз қилиниши сунъий қин жинсий ҳаётга етарлича тайёр бўлади. 10% беморларда қин етарлича узун бўлиб, лекин торайганлиги билан характерланади. Бу усулга абсолют кўрсатма бўлиб қин аплазиясида функционал бачадоннинг бўлиши ҳисобланади.

2. Тери- эпидермал аутотрансплантация – бу усул беморлар учун техник жихатдан хавфсиз ҳисобланади. Бу усулни камчилиги тери кийқимининг битиб кетиши қон айналишининг бузилишига боғлиқ бўлиб, тери қуруклашиши ва соч ўсиб чиқиши, ҳосил қилинган сунъий йўлнинг торайиши ҳисобланади. Тери колпопозеи маълум бир муддатларда қиннинг чандиқланиши рўй бериб, қайта оператив аралашувни талаб қилади.
3. Қорин парда колпопозеи методи- бунда кичик чанокнинг париетал қорин пардаси ишлатилиб, яхши натижалар беради.

Сунъий қин ҳосил қилиш операциялари – колпопозеи - қиннинг йўқлигида ёки қинни кенгайтиришда қўлланилади [[12,34,41].

Қин аплазияси одатда ривожланган ва функционал ҳолатдаги тухумдонлар билан биргаликда келади. Бу аёлларда кўпинча иккиламчи жинсий белгилар нормал ривожланган бўлиб, жинсий майл кўпинча юқори бўлади. Қин аплазиясини даволаш фақатгина жарроҳлик йўли билан амалга оширилиши мумкин. Бундай машҳур жарроҳлар сифатида Dupuytren (1810), Снегирев В.Ф.(1892), Baldwin JF (1904), Мандельштам А.Э. (1938), Александров М.С. (1955) кўп йиллар давомида сунъий қин яратиш бўйича ишлаган. Ушбу патология беморларда сурункали стрессни келтириб чиқарар экан, нормал жинсий ҳаёт ва оила қуриш имконсизлиги натижасида ўз жонига қасд қилишга уринишларига қадар бу муаммони ҳал қилиш керак [11,28,31,45].

Ҳозирги кунда консерватив усуллардан ташқари - колпоэлонгация, сунъий қин ҳосил қилиш учун жуда кўп жарроҳлик усуллари мавжуд: сигмасимон ва ингичка ичакдан, тос-сон перитонумининг ўтиш қаватидан, перинеум ва лаби терисидан сунъий қин ҳосил қилиш усуллари бор. Уларнинг барчасининг ўз афзалликлари ва камчиликлари бор. Сўнгги ўн йилларда эндовидеохирургик технологияларнинг ривожланиши туфайли неовагина шакллантирилиши учун Лапароскопик жарроҳлик усули билан амалга оширилмоқда [3,15,64,76].



Қин аплазиясини жарроҳлик усулида даволаш 1810-йилда Дупуйтрен амалга оширган бўлиб, қовуқ ва ора ичак ўртасида сунъий йўл ҳосил қилишни таклиф қилди. Бу операциянинг камчилиги шундан иборат эдики, ҳосил бўлган сунъий йўл охир-оқибат қисқарди ва ёпилди. 16 ёшли қизда янада муваффақиятли операция К. Ф. Гентер томонидан Россияда амалга оширилди. Креде (1882) ва Е. Рейн (1893) томонидан коллопоэз учун тери-пластик жарроҳликнинг турли вариантлари ишлаб чиқилган. Бироқ, бу операциялар самарали эмас эди, чунки тери парчасида қон айланиш бузилиши, тери қуруқлиги ва соч ўсиши туфайли мос келмади, бу эса охир-оқибат сийдик копи-орқа ичак каналнинг буришиб кетишига ёки кўпайишига олиб келди. Кичик лабнинг терисидан кесилган оёқ устидаги тери парчасини кўчиришда қин пластикаси муваффақиятли бўлди (С. А. Липнинский, 1895). Бу усулнинг камчилиги жинсий лаблардан кенг қин яратиш учун тери парчасини етишмаслиги, яратилган сунъий йўл торайиши ва кичрайиши кузатилди. Ушбу усул билан операция қилинган 21 нафар беморлардан 12 нафарида ижобий натижа олинди [13,22,31,37,42,55].

Кирчнер ва Вагнернинг (1929) Тирш бўйича тери парчасини пайвандлаш усулини қўллади. Бу услуб кенг қўлланила бошлади. И. И. Гришченко (1961) буни қўллаб яхши натижаларга эришди. Бу усул жарроҳлар учун хавфсиз бўлиб, ўта нозик ҳисобланади [5,24,54,66].

Сунъий қин ҳосил қилиш учун соғлом аёлдан олинган ҳомила пардаларини ишлатиш ва дарҳол қовуқ ва тўғри ичак ўртасида ҳосил бўлган каналга кўчириб ўтказиш таклиф қилинган. И. Д. Арист (1956) маълумотларига кўра, 13 беморлардан 8 тасида қониқарли натижаларга эришилган. Лекин бу услуб дастлаб муваффақиятсизликка учради [1,21,33,46].

1933-йилда М. И. Хидо коллопоэз учун кичик чаноқ пардадан фойдаланишни таклиф этган. Бир қатор олимлар бу усулни муваффақиятли қўллаган. Бу усул гинекологлар учун хавфсиз ва янада қулай бўлиб, қониқарли натижалар олиш имконини беради. Бу усулни қўллаш учун қарши кўрсатма

Ўтказилган пелвиоперитонит ва кичик чаноқ аъзолари чандиқли жараёнлари ҳисобланади [12,25,37].

Энг ривожланган колпопоз операция ичак сегментларидан ҳисобланади. Дунё бўйича бу усулнинг асосчиси В. Ф. Снегирев ҳисобланиб, у 1892-йилда орқа ичакнинг пастки сегментини колпопоз учун ишлатишни таклиф қилган. Бироқ, бу услуб жуда мураккаб - бу дум суягини резекциялаш ғайритабиий анусни яратишни талаб қилади, шунинг учун у кенг тарқалмаган [17,26,36].

Edmonds ва бошқ кўра., беморларнинг 90% дан ортиғи жарроҳлик бўлмаган усулдан фойдаланиб, анатомик (узунлиги 6 см дан катта неовагина) ва функционал қин дилататорлари ёрдамида кўзланган мақсадга эришишган. Кенгайишдан кейин ҳосил бўлган неовагина бўлган аёллар жинсий стимуляциядан кейин қинда қон оқимининг заифроқ реакциясини кўрсатдилар, бу туғма қин билан таққослаганда камроқ иннервация ва қон томирлари билан боғлиқ бўлиши мумкин. Эстриол креми, азот оксиди ва кислород, диазепам, лидокаин мойи, парацетамол ва напроксен каби ёрдамчи даволаш воситалар ёрдамида қин дилататорларидан фойдаланган аёлларда натижаларни исботлаши мумкинлигини аниқлади. Ёрдамчи воситалар прогрессив кенгайиш пайтида ноқулайлик ва хавотирни минималлаштиради. Даволашнинг муваффақиятлик даражаси беморнинг мувофиқлиги ва муносабатига боғлиқ; шунинг учун ижтимоий ишчилар, ўқитилган ҳамширалар, психологлар ва шифокорлар иштирокидаги кўп тармоқли ёрдам асосий рол ўйнайди.

Ичак вагинопластикаси биринчи марта 1892 йилда Sneuguireff томонидан тасвирланган ва бугунги кунда сигмасимон ичак неовагина яратишда қўлланилади. Ушбу усул перинеал ёндашувни ҳам, лапаротомияни ҳам талаб қилади, бу болалар жарроҳи ва гинекологнинг ҳамкорлигини талаб қилади. Сигмасимон ичак катта диаметри ва перинеумга яқинлиги туфайли пайванд сифатида кенг қўлланилади. Олдин ингичка ичак, кўричак ва оч ичак сегментлари ишлатилган, аммо юқори касалланиш ва ўлим туфайли бу усул ҳозирги вақтда қўлланилмайди. Узунлиги 10-12 см бўлган сигмасимон ичак

тўқимаси ўзининг қон билан таъминланиши билан кейинги қисми томон кенгайган, сўнгра яратилган бўшлиқ билан боғланган. Ушбу усулнинг бир қатор афзалликлари мавжуд, масалан, операциядан кейин дилатор талаб қилинмайди ва мойлаш қониқарли бўлади. Сигмасимон вагинопластиканинг 43 та ҳолати кўриб чиқилди ва умумий муваффақият ҳақида хабар берилди, ҳам анатомик (неовагинанинг ўртача узунлиги  $11.7 \pm 1.2$  см ни ташкил этди) ва функционал (беморларнинг 97% жинсий алоқани қониқарли деб баҳоладилар). Лапароскопик модификация операциядан кейинги тос аъзоларининг ёпишқоқлиги, операция ичи қон йўқотилиши, яхши косметик эффект, касалхонада қолишнинг қисқариши ва тезроқ тикланиши билан тобора оммалашиб бормоқда. Шунга қарамай, уни фақат тажрибали лапароскопик жарроҳлар бажариши керак. Бачадон трансплантациясининг келгуси даврида, неовагина яратиш усулини танлашда, келажакда бундай трансплантацияни амалга ошириш эътиборга олинishi керак. Битишмалар, неовагинанинг шикастланиши ва ичак шиллиқ қаватининг ифлосланиши хавфининг ортиши бачадон трансплантациясини хавф остига қўйиши ва қўлланилган усулнинг яхши бўлмаслигига олиб келиши мумкин [69].

Жарроҳликнинг энг машҳур турларидан бири бу лапароскопик Весчиетти вагинопластикаси, биринчи бўлиб 1965 йилда лапаротомия деб таърифланган. Весчиетти процедураси энг қисқа оператив вақтга эга. Жарроҳликнинг яна бир тури инлей грефтини киритиш орқали Ректум ва сийдик пуфағи ўртасида неовагинал бўшлиқни яратишга боғлиқ. Мсиндое ёндашуви қорин бўшлиғини кесишдан қочиб, перинеал киришни талаб қилади. Уретра ва ректум ўртасида бўшлиқ ҳосил бўлади ва одатда думба соҳасидан олинган тери грефти ишлатилади. Ректум ва сийдик пуфағи каби қўшни органларнинг шикастланиши энг жиддий асоратлардир. Чўлтоқ етарли бўлмаслиги сабабли терини пайванд қилиш кўпинча муаммоли бўлиб, натижада диспаруния, стенознинг юқори даражаси ва сочларнинг ҳаддан ташқари ўсиши кузатилади. Қорин бўшлиғи ёндашуви сифатида ишлаб чиқилган Давидов процедураси бугунги кунда лапароскопик усулда кенг қўлланилмоқда. Эпителиализация

тугамасдан олдин қиннинг пролапсини олдини олиш учун операциядан кейинги кенгайиш талаб қилинади. Шунга қарамай, перитонеал вагинопластика бошқа вагинопластика усулларига қараганда кўпроқ ва операциядан кейинги асоратлар ва тез - тез ректал жароҳатлар билан бирга келади [13].

МРКХ синдромини даволашнинг олтин стандарти ҳали аниқланмаган, чунки истиқболли узоқ муддатли тадқиқотларсиз турли хил техникалар натижаларини таққослаш жуда қийин. МРКХ синдроми билан касалланган ҳар бир аёлнинг репродуктив қобилияти бўлмай, бу беморлар учун асосий муаммолардан биридир. Фарзанд кўриш имконияти бачадон трансплантацияси ёки суррогат ёки асраб олиш ёрдамида *in vitro* усул билан амалга ошириши мумкин. Бачадон трансплантацияси келажақда МРКХ синдроми бўлган беморлар учун ҳақиқий ечим бўлиши мумкин, айниқса МРКХ билан касалланган беморда Ақшда бачадон трансплантациясидан кейин биринчи жонли туғилиш ҳақидаги сўнгги маълумотлар мавжуд. Ҳозирда, МРКХ билан касалланган беморларда бачадон трансплантацияси бўйича 7 та доимий клиник тадқиқотлар олиб борилмоқда [6].

Хулоса қилиб айтганда МРКХ синдроми, албатта, фанлараро ёндашувни талаб қиладиган касалликдир. Беморда юзага келадиган туғма нуқсонлар унинг жинсий шахс сифатида ўз қиёфасини ўзгартиради, аммо жинсий қониқишни бузади деб ҳисоблаш шарт эмас, чунки унга яна кўплаб омиллар таъсир қилади. Сўнгги йилларда беморлар учун МРКХ бошқарувининг кўплаб усуллари ишлаб чиқилган. Бироқ, аслида барча беморлар учун идеал усул мавжуд эмас. Бундай беморларга оптимал парвариш терапевтик ва психологик ёрдамни ўз ичига олади.

Ҳозирги кунда уларнинг репродуктив салоҳияти қуйидагилар бўлиши мумкин: бачадон трансплантацияси ёки суррогант оналик орқали амалга оширилади. Бачадон трансплантация ҳали ҳам экспериментал текширув ҳисобланади. Суррогат ҳомиладорлик ахлоқий ва диний мунозараларни

келтириб чиқаради, аммо бунга кўплаб мамлакатларда қонун билан рухсат берилган.

Қин аплазияси бачадон аплазияси билан кўпинча бирга келиб, келиб чиқишига кўпинча эмбрионал даврдаги хомилага турли факторларнинг таъсири натижасида бўлади. Қин аплазияси кўпинча бошқа орган ва системалар ривожланиш нуқсонлари билан биргаликта келади.

Хозирги вақтда бу касалликни кўп учраши экологик шароитнинг ёмонлашуви билан боғлиқ.

Хозирда қин аплазиясининг турли кўринишлари учраганлиги сабаби диагностика учун қийинчилик туғдиради. Баъзи олимлар қин аплазиясида бир нечта генларнинг мутациялари натижасида пайдо бўлишини изоклашмоқда. Бу ривожланиш нуқсонларининг бир нечта классификациялари мавжуд.

Шундай қилиб, бу беморларда патология кўпинча ўсмирлик даврида аниқланади. Хайз даврида кучли оғриқ синдроми, дефекация ва сийдик ажратишнинг бузилиши диагностик хатога сабабчи бўлади. Бу беморларда гормонал ва иккиламчи жинсий белгилар нормал бўлганлиги сабабли диагностика эрта болалик даврларда ташхис қўйилмайди. Бу беморларда энг информатив текширув усули МРТ бўлиб даволаш турини танлашда ҳам муҳим ҳисобланади. Хозирда текширувларнинг УТТ, айниқса МРТ текшируви жинсий ривожланиш нуқсонини аниқлашда олтин стандарт текшируви бўлиб қолмоқда.

## **II-БОБ. Текширув материаллари ва услублари**

### **2.1. Текширилган беморлар гурухларининг умумий ва клиник характеристикаси.**

Олдинга қўйилган вазифаларни аниқлаш учун 2020-2022-йилгача Самарқанд вилоят Перинатал маркази ва ООО “ДОКТОР ШИФО БАХТ” хусусий шифохонасига мурожаат қилган 30 нафар қин ва бачадон аплазияси ташхиси қўйилган қиз ва аёллар ўрганилди. Барча беморлар икки босқичда ўрганилиб, биринчи босқичда беморларга ретроспектив ва перспектив тахлил ўтказилиб 30 нафариди қин ва бачадон аплазияли ва уларга Майер - Рокитанский – Кюстер-Хаузер қайд қилиниб, барча тиббий хужжатлари тахлил қилинди. Беморларда ушбу касалликка мойиллик туғриувчи омиллар, оналарида ҳомиладорликнинг уч ойликларга кўра кечиши, ҳомиладорлик даврида кузатилган касалликлари, касалликнинг биринчи белгиларининг пайдо бўлиши, барча клиник текшириш усуллари, ташхисга гумон бўлганда қўшимча текшириш усуллари қўлланилиб, уларга керакли даво усуллари, даво усулларининг ножўя таъсирларини кам турлари ўрганилиб, барча тиббий хужжатлари тахлил қилинди. Иккинчи босқичда беморларга сунъий сигмоидал колпопоз операциясини кечиши ўрганилди.

Беморлар икки гурухга бўлиб ўрганилди.

I-гурух- “А” гурух 15 нафар – қин аплазияси ташхиси қўйилган беморлар.

- II-гурух- “В” гурух 15 нафар – қин аплазияси ташхиси тасдиқланмаган беморлар.

Беморларнинг касаллик тарихи, анамнез маълумотлари, объектив текширув маълумотлари, лаборатор ва инструментал текширув натижалари, терапевт кўриклари 2020-2022-йиллар давомида Самарқанд вилоят Перинатал маркази ва ООО “ДОКТОР ШИФО БАХТ” хусусий шифохонасида ўтказилган.

## ТАДҚИҚОТДАГИ БЕМОРЛАР 2 ГУРУҲГА БЎЛИБ ЎРГАНИЛДИ

**I-гурух- “А” гуруҳ** 15 нафар – кин аплазияси ташхиси куйилган беморлар.

**II-гурух- “В” гуруҳ** 15 нафар – кин аплазияси ташхиси тасдиқланмаган беморлар.

Ҳамма беморлар учун статистик карта тўлдирилиб, қуйидагиларни ўз ичига олган:

1. Беморларнинг ёши, манзили, яшаш шароити, ижтимоий ва оилавий ҳолати. Анамнестик маълумотларни йиғиш, ота-она томонидан наслий касалликнинг, мойиллигининг бор ёки йўқлиги, текширилган беморларнинг оналарида антенатал ва перинатал даврларининг кечиши, беморларнинг онасида ҳомиладорликни кечиши ва туғруқни олиб борилиши (табиий йўллар орқали ёки оператив Кесарча-кесиш орқали), ёндош касалликларнинг мавжудлиги, бошқа ривожланиш нуқсонларининг бор ёки йўқлиги
2. Профессional зарарли факторлари ва зарарли одатлари
3. Умумий кўрик маълумотлари: беморларнинг бўйи, тана массаси ва тана массаси индекси, жинсий система ривожланиш даражаси ва унинг биологик ёшга тўғри келиши. Терисининг қатламларининг ҳолати, периферик лимфа тугунларининг ва тери ости ёғ қаватининг ривожланганлиги, қалқонсимон без, тана харорати, нафас системаси, юрак қон-томир ҳолати (артериал қон босими, пульс), меъда-ичак тракти, сийдик ажратиш системаси, эндокрин системаси, асаб системаси, қорин шакли палпацияда оғриқ бор ёки йўқлиги, қорин пардаси таъсирланиш белгиси бор ёки йўқлиги.

4. Гинекологик анамнезида жинсий аъзоларнинг ташқи кўрувда жинсий аъзоларнинг ривожланиш даражаси, қов ҳолати, қовнинг тери ости ёғ қавати, жинсий ёриқлар. катта ва кичик уятли лаблар, уретранинг жойлашиши, тукланиш типи, клитор ва қизлик парданинг ҳолати ўрганилди. Ректо-абдоминал текширувда кичик чаноқда бачадоннинг ҳолати, унинг шакли, бачадон ортиқлари, уларнинг ҳолати, пайпасланиши ёки пайпасланмаслиги, ортиқлар соҳасида ҳосилалар ўзгаришлар бор ёки йўқлиги, оғриқлилиги. Қисман қин аплазияси бўлган беморларда қин-абдоминал текширув ўтказилди.

5. Ҳайз циклининг хусусиятлари: бошлангани, ҳайз қони келганми йўқми, ҳайз даврида оғриқлар кузатилганми, оғриқларнинг характери, ўткир қорин белгиси бўлганми, оғриқларнинг бошланиш характери, давомийлиги, дори дармонлар натижасида ўзгаришлар бор ёки йўқлиги

6. Гинекологик касалликлари (беморнинг ўзида, онасида, синглиси, опасида)

7. Бошидан кечирган касалликлари.


8. Лаборатор текширувлар УҚТ, УСТ, қоннинг биохимик анализи, коагулограмма, бачадон ултратовуш текшируви, МРТ текшируви.

9. Соматик касалликлар анамнези (ўткир ва сурункали экстагенитал касалликларнинг пайдо бўлган вақти).

Беморларнинг ўртача ёши 15 ёшдан 27 ёшни ташкил қилди, I- гуруҳдагилар ўртача 22,3; II- гуруҳ 21,6; III- гуруҳ ўртача 23,4 ёшни ташкил қилди.


1-Жадвал.

Клиник гуруҳлардаги беморларнинг ёши.






Беморларнинг яшаш жойи бўйича шаҳар аҳолиси 12 нафар 40%, қишлоқ аҳолиси 18 нафар 60% ни ташкил қилиб, асосий беморлар қишлоқ аҳолиси эди (Расм 2.1).




Расм 2.1. Беморларнинг яшаш жойи бўйича тақсимланиши.

Беморларнинг ижтимоий ҳолатига кўра уй бекалари- 20 (66,6%), давлат муассаларида ишчилар- 4 (13,4%), қишлоқ хўжалиги ишчилари- 6 (20%) ни ташкил қилди (Расм 2.2).




Расм 2.2. Беморларнинг ижтимоий ҳолати.

Беморлардан олий маълумотлилар- 10 (33,3%), ўрта махсус- 12 (40%), ўрта- 8 (26,7%) ни ташкил қилди (Расм 2.3).




Расм 2.3. Беморларнинг маълумотига кўра тақсимланиши.

Қон гуруҳларига кўра: I- 17 (56,7%), II- 6 (20%), III- 4 (13,3%), IV-3 (10%) ни ташкил қилди (Расм 2.4).




Расм 2.4. Беморларнинг қон гуруҳига кўра тақсимланиши.

Зарарли одатлар ва профессионал холатлар оталарда 30% ни оналарда 16,7% ни ташкил қилди. Беморларнинг наслий анамнезига кўра она томонидан аниқланган касалликлар: юрак ишемик касаллиги- 12 нафар (40%), гипертония касаллиги- 10 нафар (33,3%), онкопатология-3 нафар (10%), қандли диабет- 4 нафар (13,3%), қалқонсимон без касаллиги- 3 нафар (10%), буйрак касалликлари-9 нафар (30%) ни ташкил қилди. Ота томондан аниқланган касалликлар: юрак ишемик касаллиги- 10 нафар (33,3%), гипертония касаллиги- 5 нафар (16,7%), онкопатология-1 нафар (3,33%), қандли диабет- 6 нафар (20%), қалқонсимон без касаллиги- 4 нафар (13,3%) ни ташкил қилди.




Расм 2.5. Беморларнинг онаси томонидан аниқланган ирсий касалликлар.




Расм 2.6. Беморларнинг отаси томонидан аниқланган ирсий касалликлар.

Оналарнинг ҳомиладорлик даврида учраган касалликлардан: ҳомила тушиш хавфи-16 нафар (53,3%), ҳомиладорлик қусиши-12 нафар (40%), сурункали плацентар етишмовчилик- 14 нафар (46,7%), ЎРВИ- 30 нафар (100%), анемия- 30 нафар (100%), ўткир тонзиллит-3 нафар- (10%), ўткир пиелонефрит- 5 нафар (16,7%), преэклампсия- 4 нафар (13,3%), ҳомиладорлик дерматози- 1 нафар (3,3) ни ташкил қилди (Расм 2.7).



## 2.7. Беморларнинг онасида ҳомиладорлик даврида учраган касалликлар.


Туғруқ вақтидаги оналардаги асоратлардан: муддатдан олдин ҳомила олди сувларининг кетиши- 4 нафар (13,3%), туғруқ кучларининг сустлиги- 5 нафар (16,7%), киндик тизимчасининг тушиб қолиши-1 нафар (3,3%), ҳомила бошининг ёзилган ҳолатда келиши- 1 нафар (3,3%) ни ташкил қилди (Расм 2.8).



Расм 2.8. Беморларнинг онасидаги туғруқ давридаги асоратлар.

## 2.2. Беморларнинг анамнезидан ёндош касалликлар

Текширилган беморларда анамнезида нейро- эндокрин касалликлар- 12 нафар (40%), семизлик- 8 нафар (26,7%), юрак қон- томир касалликлари- 1 нафар (3,3%), ошқозон- ичак касалликлари- 9 нафар (30%), буйрак касалликлари – 5 нафар (16,7%), жигар- 1 нафар (3,3%), миопия- 2 нафар (6,6%), тухумдонлар поликистози- 10 нафар (33,3%), аппендэктомия- 3 нафар (10%) ни ташкил қилган (Расм 2.9).



Расм 2.9. Беморларда учраган соматик касалликлар.

Беморларнинг асосий шикоятлари менструал циклнинг йўқлиги 100%, ва оғриқ синдроми 100%. Беморларнинг 96,7% да оғриқ вақти-вақти билан бўлиб, хар ой такрорланиб туриш хусусиятига эга бўлган. Оғриқ интенсивлиги спастик характерга эга бўлиб, бунинг натижасида дизурик белгилар қўшилган. 50% беморларда оғриқ синдроми иситма кўтарилиши, қусиш ва кўнгил айланиши билан биргалликда учради. Беморларнинг 70% да менструал цикл бўлмаганлиги сабабли амбулатор ва стационарда муружаат қилган. Бу беморларга умумклиник текширувлардан сўнг орал контрацептив

воситалардан “Регулон” ва “Диане-35” схема билан буюрилишига қарамасдан эффеќти бўлмаган.

Беморлардан 7 нафари (23,3%) турмушга чиќиб, жинсий хаёт бўлмаган.

## 2.2. Лаборатор- инструментал текшириш


Умумий қон тахлилида гемоглобин миќдори, эритроцитлар чўкиш тезлиги, лейкоцитлар миќдори, лейкоцитар формула текширилди. Биохимик текширувларда оксил, глюкоза, холестерин, фибриноген, фибриноген парчаланиш махсулотлари ва протромбин индекси текширилди.

2-Жадвал.

### Беморларда ўтказилган текшириш усуллари

№	Текшириш усуллари	Беморлар сони	Текширувлар сони
1	Клиник текшириш усуллари:		
	-трансабдоминал	30	30
	-ректо-абдоминал	30	30
2	Лаборатор:		
	-умумий қон тахлили	30	30
	-умумий сийдик тахлили	30	30
	-қин дахлизи суртма тахлили	30	30
3	Инструментал:		
	-ультратовуш текширув	30	30
	-МРТ	30	30

Бактериоскопик текширувда қиндан, уретрадан суртма олиниб, тозалик даражаси, микрофлораси ва патоген кўзгатувчилар бор ёки йўқлиги аниқланди (гонококк, трихомонада, Сандида замбуруғлар, хламидия).



Расм 2.10. Беморларда аниқланган қин суртмасининг “Грамм” усулда бўялганда кўриниши.

### **2.3. Инструментал текширув усуллари**

Беморларда УТТ текшируви «Алока ССД-1700» (Япония) апарати трансабдоминал конвексли датчик ёрдамида 3,5-5,0 мГц частотада текширилди. Текширувлар тўлдирилган сийдик қопида олиб борилиб, режали амалиётли беморларда тайёргарликлардан сўнг ўтказилди. Сканерлаш қорин олд деворида кўндаланг ва бўйлама холатларда орқали текширилди. Бўйлама холатда бачадон холати, ички холати, контурлари, узунлиги ва олд-орқа ўлчами бахоланди. Бўйлама кесим орқали тухумдонлар холати, ўлчами, контурлари аниқланди.

### **2.4. Бачадон ва қин ривожланиш нуқсонларида МРТ текшируви**

Магнит-резонанс-томография (МРТ) текширувда кичик чаноқ аъзолари холати ТОШИБА-ОПАРТ 0,34 Тл (Япония) апарати ёрдамида текширилди. МРТ кичик чаноқ аъзолари рентген контраст моддаларсиз текширилди. Кейин сагитал, аксиал ва коронар йўналишларда сийдик ажратиш ва жинсий системанинг холатини, структурасини, топографиясини ва жойлашишини

аниқлаш учун текширилди. МРТ текшируви ташқи магнит майдон билан водород ядроларини ўзаро магнит акс садо ҳодисага асосланган усул ҳисобланади. Натижада водород ядроларининг магнит спинлари кучли чизиқли йўналишга йўналтирилган ва куч бевосита пропорционал майдонда бир частота билан айлантирила бошлайди. Водород ядролари электромагнит энергияни ўзлаштира бошлайди. Қабул қилинган сигнал Фурье ўзгартиргичи орқали қайта ишланади ва магнит резонанс томограммасида тўқима ва аъзоларнинг "бўлимлари" нинг анатомик манзараси ҳосил қилинади. МРТ юқори даражада тўқима контрастига эга бўлиб, булар зичлиги билан ажралиб туради, бу анатомик хусусиятни баҳолаш имконини беради ва ички органлар ва юмшоқ тўқималарнинг тузилиши, қўшни органлар билан алоқалар ва муносабатлар ва гинекологик касалликлар ташхисида фойдаланиш инвазив жараёнларга эҳтиёжни камайтиради. МРТ афзалликлари қуйидагилардан иборат: инвазив бўлмаган, ионлаштирувчи нурланишнинг йўқлиги, юқори тўқима контрасти, ҳар қандай қатламда тасвирни олиш қобилияти мавжуд. МРТ бачадон анатомик хусусиятларини фарқлаш имконини беради.

МРТ усуллари стандартли, классик (анъанавий) бўлиб, T1 ва T2 ташқи режимидан тасвирларни қабул қилишига кўра фарқ қилади. T1-ВИ (бўйлама релаксация вақти ёки спинли) тос анатомиясини баҳолаш, лимфа тугунлари ва ёғ тузилмалар ҳолатига баҳо беришда муҳим аҳамиятга эга. T2-ВИ (кўндаланг релаксация вақти ёки спин- спинли) юмшоқ тўқималарнинг контрасти яхши бўлганлиги сабабли бачадон ва тухумдонларнинг яхши кўринади. Бачадон ва қин нуқсонларида T2 режими асосан ишлатилади.

Сурункали чанокдаги оғриқ туфайли 21 нафар (70%) беморда МРТ текшируви ўтказилган бўлиб, бошқа текширув усулларида тасдиқланмаганлиги сабабли ўтказилди. Беморларнинг 12 нафар (40%) да тухумдонлар поликистози аниқланди. Барча беморларда тўғри ичак, сийдик пуфаги ва параректал тўқима соҳасида ҳеч қандай патология аниқланмади.



Комплексли ультратовуш текширувининг информацион қийматини баҳолаш учун беморларни текшириш икки босқичда амалга оширилди (стандарт В-режимли ултратовуш текшируви ва ултратовушли ангиография).

Барча ултратовуш текширувлари Hitachi HI VISION Preirus аппаратида амалга оширилди.

Дастлабки босқичда барча беморлар қовуқ тўлдирилган ҳолда умумий қабул қилинган метод орқали 3.5-5.0 MHz конвекс датчиги ёрдамида трансабдоминал ултратовуш текширувидан ўтказилди. Тос аъзоларининг топографик анатомияси ва уларнинг тузилишига баҳо берилди, бачадон ва тухумдонларнинг ўлчамлари ўлчанди (агар аниқланган бўлса). Тосдаги ўзгаришларни аниқлашда уларнинг локализацияси, шакли ва контурлари аниқланди, ҳосил бўлиш ўлчовлари амалга оширилди, кейинчалик ҳажми ҳисоблаш йўли билан амалга оширилди. Сўнгра ҳосил бўлган эхоструктурага баҳо берилди. Қовуқни бўшатгандан сўнг трансвагинал ултратовуш 8-4 MHz частотали эндокавитал датчик ёрдамида амалга оширилди. Бачадон бўйни ва танаси, тухумдонлар ва бачадон найлари синчковлик билан текширилди. Бачадонни яхшилаб текшириш учун ўрганиш бўйлама, кўндаланг ва қийшиқ сканерлаш текисликларида олиб борилди. Бачадон танасининг ҳолати, шакли, контурлари баҳоланди, бачадон ўлчамлари ўлчанди. Эндометрий ва бачадон бўшлиғининг ҳолати аниқлик билан ўрганилди. Унда гематоколпос бор ёки йўқлиги аниқланди. Эндометрий қалинлиги ўлчаш бўйлама усул орқали амалга оширилди.

Эхографик текшириш “Aloka SSD-1700” (Япония) нинг конвексли датчиги ёрдамида 3,5-5,0 мГц ёрдамида амалга оширилди. Текшириш тўлдирилган сийдик қоғида амалга оширилди. Текширишда бўйлама ва кўндаланг кесимларга кўра амалга оширилиб, бачадоннинг ҳолати, ички структурасининг ҳолати, узунликлари ўлчанди. Кўндаланг ўлчамларда тухумдонларнинг ҳолати, ўлчами аниқланди. Анамнезидан ўткир ва сурункали экстрагенитал касалликлар, менструал цикл пайдо бўлган ёши (менструал цикл кузатилмаганда кучли қориндаги оғриқнинг пайдо

бўлганлиги ва унинг ҳар ойда такрорланганлиги), бунинг натижасида ўтказилган хирургик аралашув натижаси таҳлил қилинди.

